# 1976—1980 ЙИЛЛАРДА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Боши тўртинчи бетда).

Чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари етиштиришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш ҳар томонлама ривожлантирилсин, уларнинг аста-секин саноат негизига ўтиши таъминлансин. Давлат, колхоз ва хўжаликлараро чорвачилик комплекслари, механизациялаштирилган фермалар ва паррандачилик фабрикалари қурилиши, ишлаб турган чорвачилик ва паррандачилик фермаларини янги техника ва технологияни қўлланишни ҳисобга олиб реконструкция қилиш кенгайтирилсин.

Ёш қорамолларни жадал боқиб семиртириш, бройлер хўжалигини кенгайтириш йўли билан гўшт, айниқса мол гўшти ва парранда гўшти етиштиришни кўпайтириш таъминлансин. Гўшт етиштиришга ихтисослаштирилган чорвачилик ривожлантирилсин. Чўчқачиликнинг интенсивлиги оширилсин, бу соҳа асосан гўшт етиштириш йўлидан ривожлантирилсин, шунингдек бекон чўчқа гўшти етиштириш кўпайтирилсин. Колхозлар, совхозларда ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарида сигирлар туёғи анча кўпайтирилсин, сигирларнинг сут маҳсулдорлиги оширилсин, подани урчитиб кўпайтириш анча яхшилансин. Қўй ва эчкилар туёғини янада кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш таъминлансин.

Йилқичилик, буғучилик, мўйна ҳайвончилиги, қуёнчилик, кўл балиқчилиги, асаларичилик, пиллачиликни ривожлантириш имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланилсин.

Ветеринария хизмати яхшилансин, чорва молларнинг касалга чалиниши ва нобуд бўлиши камайтирилсин. Чорвачилик ва ветеринария эҳтиёжлари учун биологик ва химиявий терапия препаратлари, шунингдек, зарур асбоблар, ускуналар ва приборлар етказиб бериш кўпайтирилсин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишнинг қатъий планлари принципи ва шу маҳсулотларни пландан ташқари давлатга сотган хўжаликларни оширилган нархларни жорий қилиш йўли билан рағбатлантириш принципи сақлаб қолинсин. Тайёрлов ташкилотларининг колхоз ва совхозлар билан беш йиллик учун, ҳар бир йилдаги кўрсаткичлар алоҳида-алоҳида белгиланган ҳолда тузилган контрактация шартномалари асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан пландан ташқари маҳсулотларни харид қилиш таъминлансин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг асосий турларини ҳам қатъий планларига мувофиқ, ҳам пландан ташқари контрактациялаш шартномалари асосида харид қилишнинг ўртача йиллик ҳажмлари қуйидаги миқдорларга етказилсин: дон — 90 миллион тонна, қанд лавлаги 89,5 миллион тонна, пахта — 8,5 миллион тонна, зиғир толаси — 511 минг тонна, сабзавот — 17 миллион тонна, узум — 5,4 миллион тонна, кунгабоқар — 6 миллион тонна, чорва ва парранда (тирик вазнда) — 17,4 миллион тонна, сут — 60,5 миллион тонна, тухум — 34,3 миллиард дона, жун (ҳисобга олинган вазнда) — 511 минг тонна.

Тайёрлаш формалари такомиллаштирилсин, колхозлар, совхозлар тайёрлаш ташкилотларининг саноат ва савдо корхоналари билан алоқалари кенг ривожлантирилсин, тайёрланадиган маҳсулотларнинг сифати учун уларнинг масъулияти оширилсин. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш ва асраш яхшилансин. Маҳсулотларни бевосита етиштирилган жойнинг ўзида қабул қилиш ва уни тайёрловчиларнинг транспортида ташиб кетиш кенгайтирилсин. Тайёрлов ташкилотларининг моддий-техника базаси мустаҳкамлансин, янги тайёрлов пунктлари, элеваторлар, музхоналар ва мева-сабзавот омборлари қурилиши ва мавжудлари реконструкция қилиниши таъминлансин.

**Ерларни мелиорация қилиш** кенг миқёсда давом эттирилсин. Давлат капитал маблағлари ҳисобига 4 миллион гектар суғориладиган ер ишга туширилсин, 4,7 миллион гектар ернинг захи қочирилсин, чўл, ярим чўл ва тоғлиқ районларда 37,6 миллион гектар яйловга сув чиқарилсин.

РСФСР Европа қисмининг Жануби-Шарқий районларида, Шимолий Кавказда, Украина жанубида, Молдавияда, Қозоғистонда, Ўрта Осиё ва Закавказье республикаларида суғориладиган деҳқончилик майдонлари кенгайтирилсин. РСФСРнинг қора тупроқли бўлмаган зонасида мелиорация ишлари юксак суръатлар билан олиб борилсин. Балтика бўйи республикаларида, Полесье пасттекислигида ва Узоқ Шарқда ерларнинг захини қочириш ишлари давом эттирилсин.

Мелиорацияга фан ва техника ютуқларини жорий этиш тезлаштирилсин, сув хўжалиги қурилишини ва сув хўжалиги иншоотлари фойдаланиш ишларини янада индустриялаш, суғоришнинг илғор техникасини қўлланиш, мелиорация системаларини бошқаришни автоматлаштириш ва механизациялаш таъминлансин. Сув ресурсларидан янада самарали фойдаланилсин. Ишлаб турган мелиорация системаларининг техникавий холати яхшилансин. Ерларни суғориш ва захини қочириш системалари қурилиши ва уларни қишлоқ хўжалик жиҳатидан ўзлаштиришнинг комплекс бўлиши таъминлансин. Барпо этилаётган мелиорация системаларининг сифати учун сув хўжалиги қурилиш ташкилотларининг масъулияти оширилсин. Суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан юксак самарали фойдаланиш ҳамда шу ерларда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ҳар томонлама ошириш таъминлансин.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини химиялашни кучайтириш тадбирлари изчиллик билан амалга оширилсин. 1980 йилга бориб қишлоқ хўжалигига минерал ўғит етказиб бериш 115 миллион тоннага ва химиявий озуқа қўшимчаси етказиб бериш 5 миллион тоннага етказилсин. Етказиб бериладиган минерал ўғитнинг умумий ҳажмида фосфорли, концентрацияланган ва мураккаб ўғитлар салмоғи кўпайтирилсин. Минерал ўғитдан фойдаланиш самарадорлиги оширилсин, уни ташиш, асраш ва ерга солиш вақтидаги нобудгарчилик қисқартирилсин. Минерал ўғитларни сақлаш учун механизациялаштирилган омборларни индустриал усулда ишлаб чиқилган енгил йиғма конструкциялардан фойдаланиб қуриш кенг авж олдирилсин. Колхоз ва совхозларга агрохимия хизмати кўрсатиш системаси такомиллаштирилсин.

1980 йилда қишлоқ хўжалигига ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини етказиб бериш 628 минг тоннага (шартли бирликларда), шу жумладан гербицидлар етказиб бериш 245 минг тоннага етказилсин.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш чоралари кўрилсин. Қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларига қарши курашнинг биологик методларини янада ривожлантириш таъминлансин.

Шўр тупроқли ерларни оҳаклаш, шунингдек шўрҳок тупроқли ерларга гипс сочиш ва мелиоратив жиҳатдан ишлов бериш соҳасидаги ишлар кенгайтирилсин.

Илмий тадқиқот ташкилотларининг диққат-эътибори қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш, ихтисослаштириш ва концентрациялаш, уни индустриал негизга ўтказиш, колхоз ва совхоз ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий проблемаларини ишлаб чиқишга қаратилсин. Қишлоқ хўжалик экинларининг сифат жиҳатидан янги, анча серҳосил навлари ва дурагайларини етиштириш, чорва ва паррандаларнинг мавжуд зотларини такомиллаштириш ва янги сермаҳсул зотларини етиштириш соҳасидаги селекция ишлари яхшилансин. Экинларни касалликлардан ва зараркунандалардан муҳофаза қилишнинг зарур воситаларини, шунингдек чорва молларни касалланишдан сақлаш ва шу касалликларга қарши кураш воситаларини яратиш иши кучайтирилсин.

Қишлоқ хўжалик фанининг, экспериментал ва тажриба-ишлаб чиқариш хўжаликларининг моддий базасини жадал ривожлантириш тадбирлари амалга оширилсин. Селекция марказлари қуриш давом эттирилсин. Колхозларда, совхозларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида, фан, техника ютуқларини ва илғор тажрибани ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш таъминлансин.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишларининг барча комплексига, шу жумладан ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий-маиший қурилишига ва техника сотиб олишга 171,7 миллиард сўм ҳажмида капитал маблағ, шу жумладан 115,7 миллиард сўм ҳажмида давлат капитал маблағи сарфлансин. Колхозлар сарфлайдиган 56 миллиард сўм миқдоридаги капитал маблағ зарур моддий-техника ресурслари билан таъминлансин. Капитал маблағлардан биринчи галда қишлоқ хўжалигининг энг муҳим вазифасини ҳал этиш — дон ва техника экинлари етиштиришни кўпайтириш, чорвачиликни ва ем-хашак базасини ривожлантириш учун фойдаланилсин. Капитал маблағларнинг сочиб юборилишига йўл қўйилмасин, объектларни қуриш муддати нормаларига қатъий риоя этилсин.

Қишлоқ хўжалик объектларини лойиҳалаш яхшилансин, уларни қуришнинг смета қиймати арзонлаштирилсин, янада самарали тўла йиғма енгил қурилиш конструкциялари, илғор лойиҳалар ва технология ечимлари қўлланилсин.

Қишлоқда қурилиш ишларини олиб борувчи давлат ва колхозлараро қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базаси мустаҳкамлансин. Қурилишни максимал равишда индустриялашга эришилсин, ихтисослаштирилган қишлоқ қурилиш комбинатлари тармоғи ва маҳаллий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ривожлантирилсин.

Қишлоқ хўжалигини янги техника асосида техника билан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқаришнинг поток, индустриал методларини ва илғор технологияни жорий қилиш давом эттирилсин. Қишлоқ хўжалигини машина-механизмлар билан таъминлашни янада жадал ўстириш, қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаш даражасини ошириш кўзда тутилсин. 1980 йилга бориб қишлоқда электр энергия истеъмоли 130 миллиард киловатт соатга етказилсин.

Беш йиллик мобайнида қишлоқ хўжалигига 1 миллион 900 мингта трактор, 1 миллион 350 мингта юк автомобили, 538 мингта дон комбайни, 1 миллион 580 мингта трактор прицепи, шу жумладан сенаж ташийдиган 200 мингта прицеп, 100 мингта экскаватор, 106,5 мингта бульдозер, 47,75 мингта скрейпер, 23 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари, шу жумладан чорвачилик ва ем-хашак етиштириш учун 10,3 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари етказиб берилсин.

Колхоз ва совхозларда машина-трактор паркидан фойдаланиш самарадорлиги оширилсин. Қишлоқ хўжалик техникасини асраш яхшилансин, унинг муддатидан барвақт ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйилмасин, қишлоқ хўжалигидаги ремонт базасини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш тадбирлари амалга оширилсин, машина ва ускуналарни ремонт қилиш ҳамда уларга техника хизмати кўрсатиш сифати яхшилансин.

Колхоз ва совхозларда машина ва ускуналарга ихтисослаштирилган техника хизмати кўрсатишни жорий этиш ниҳоясига етказилсин. Машина-трактор паркининг техникавий ҳолати ва ундан самарали фойдаланиш учун «Сельхозтехника» системаси корхоналари ва ташкилотларининг роли ҳамда масъулияти оширилсин.

Колхоз ва совхозларда меҳнатни ташкил этиш такомиллаштирилсин. Малакали механизатор кадрлар, чорвачилик ходимлари, мелиораторлар ва оммавий касбдаги бошқа кадрларни, ишлаб чиқариш бўлинмаларининг раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш кенгайтирилсин ва яхшилансин.

**Ўрмон хўжалигида** ўрмонларнинг маҳсулдорлигини ошириш, ўрмонлар майдонининг ҳар гектаридан кўпроқ миқдорда товар ёғоч олиш, ўрмон ресурсларидан рационал фойдаланиш таъминлансин. Ўрмон хўжалигини техника билан қайта таъминлаш, уни химиялаш, асосий ўрмон хўжалиги ишларининг илғор технология схемаларини жорий этиш тезлаштирилсин.

Беш йиллик мобайнида давлат ўрмон фондининг 10—11 миллион гектарлик майдонида ўрмонларни қайта тиклаш, 1,4 миллион гектар майдонда иҳота дарахтзорларини барпо этиш, 1,5 миллион гектар ботқоқ ўрмонзорларнинг захини қочириш, 230 миллион гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этиш ишлари бажарилсин. Ўрмонларни ёнғиндан сақлашни ва уларни зарарли ҳашаротлар ва касалликлардан ҳимоя қилишни янада яхшилаш таъминлансин.

## V. Транспорт ва алоқани ривожлантириш

Бутун транспорт системасининг қувватини ва иш сифатини анча ошириш, шунингдек мамлакатнинг иқтисодий районлари ўртасидаги транспорт алоқаларини яхшилаш асосида халқ хўжалигининг ва аҳолининг юк ташишга бўлган эҳтиёжини янада тўлиқ ва ўз вақтида қондириш, юкларни етказиб беришни ва пассажир ташишни жадаллаштириш транспортнинг асосий вазифасидир.

Ҳамма турдаги транспортнинг юк обороти тахминан 30 процент ва умумий фойдаланишдаги транспортнинг пассажир обороти 23 процент кўпайтирилсин.

Энг янги ва ихтисослаштирилган транспорт воситаларини жорий этиш, ҳаракат состави ва флотнинг юк кўтариши ва қувватини ошириш, шунингдек биринчи галда Шимол, Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ўзлаштирилаётган районларида ана шу районларнинг ишлаб чиқарувчи кучларини тезроқ ривожлантириш учун транспорт йўли қурилишини кенгайтириш орқали ҳамма турдаги транспортни янада ривожлантириш ва техника билан қуроллантириш таъминлансин.

Транспортда автоматика, телемеханика воситалари ҳамда юк ташишни ва технология жараёнларини бошқаришнинг автоматлаштирилган системаларини жорий этиш кенгайтирилсин.

Транспорт ишининг самарадорлиги оширилсин. Шу мақсадда:

транспорт воситаларидан фойдаланишни яхшилаш, вагонлар, кемалар ва автомобилларнинг юк ортиш-тушириш ва техникавий операциялар вақтида бекор туришини камайтириш, уларнинг юк кўтариш қуввати ва сиғимидан тўлиқроқ фойдаланиш, бўш юришини қисқартириш чоралари амалга оширилсин;

ўринсиз юк ташишни тугатиш, транспортнинг ҳар бир туридан яхшироқ фойдаланиш зарурлигини ҳисобга олиб юк ташишнинг энг мақбул схемаларини ишлаб чиқиш давом эттирилсин. Юк оқимларининг нормал йўналишлари схемаларига риоя этилиши учун таъминот ва реализация органларининг ҳамда юк жўнатувчиларнинг масъулияти оширилсин;

транспорт ҳар хил турларининг баҳамжиҳат ҳаракат қилиши яхшилансин, юк ташишни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилсин. Ҳафта ва сутка давомида юк ортиш-тушириш ишларининг янада бир маромда бўлиши таъминлансин;

аввало кўп тонналн контейнерларда юк ташиш ҳажми кўпайтирилсин. Транспортнинг ҳамма турларида ҳамда корхоналар, қурилишлар ва ташкилотларнинг шох йўлларида юк ортиш-тушириш ишларини комплекс механизациялаш даражаси оширилсин.

Саноат транспорти янада ривожлантирилсин. Транспортнинг узлуксиз ишлайдиган турлари — конвейер, трубопровод, шу жумладан пневмоконтейнер ва осма транспорт кенг жорий этилсин. Саноат корхоналарининг темир йўл транспортини тепловоз ва электровозлар ёрдамида ишлашга ўтказиш асосан тугаллансин. Турли идораларга қарашли транспорт цехларини бирлаштириш йўли билан саноат темир йўл транспортининг тармоқлараро корхоналари шохобчалари кенгайтирилсин. Мавжуд причалларнинг қуввати оширилсин ва корхоналар, қурилишлар ва ташкилотларнинг янги механизациялаштирилган причаллари ишга туширилсин.

Транспортда ҳаракат хавфсизлигини янада оширишга доир тадбирларнинг ўтказилиши таъминлансин.

Ҳамма турдаги транспортда пассажирларга хизмат қилиш маданияти оширилсин.

**Темир йўл транспортида** энг кўп юк ташиладиган йўлларда темир йўлларнинг поезд ўтказиш ва юк ташиш қобилиятини янада кўпайтириш, сортировка ва юк станцияларининг қайта ишлаш қобилиятини ошириш ва юк вагонининг оборот вақтини қисқартириш таъминлансин. Юк ва пассажир поездларининг ҳаракат тезлиги оширилсин. Маршрутларда юк ташиш ва юк поездларининг ўртача вазни кўпайтирилсин.

Темир йўл транспортининг юк оборотини тахминан 22 процент ва пассажир оборотини 14—15 процент ошириш кўзда тутилсин.

Темир йўл тармоғининг энг серқатнов йўналишларида 2,8 минг километрли иккинчи изи қурилсин. Темир йўлларнинг 2,5 минг километри электрлаштирилсин ҳамда 16—17 минг километри автоблокировка ва марказий диспетчерлик ускуналари билан жиҳозлансин. Тахминан 3 минг километр янги темир йўл линияси ишга туширилсин. Байкал—Амур магистрали ва унга туташ йўллар қурилиши давом эттирилсин.

Беш йиллик мобайнида темир йўл транспортига 2,2 мингта электровоз, 6,4 минг секция миқдорида магистрал, 2,5 мингта секция миқдорида маневр тепловозлари, 386 минг юк ва 16,6 мингта пассажир вагонлари етказиб берилсин.

Темир йўл транспортидаги юк ортиш-тушириш ишларини комплекс механизациялаш даражаси 93 процентга етказилсин. Темир йўл полотносини жорий ремонт қилиш ишларини механизациялаш даражаси анча оширилсин.

Пассажир ташишни ташкил этиш яхшилансин. Шаҳар атрофидаги ҳаракат қизғин бўлган темир йўл линияларини ва катта узелларни электрлаштириш иши давом эттирилсин.

Темир йўл транспортидаги меҳнат унумдорлиги 18—20 процент оширилсин.

**Денгиз транспортини** янада ривожлантириш, халқ хўжалигининг ташқи савдо ва каботаж юк ташишга бўлган ва тобора ошиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш кўзда тутилсин. Узоқ Шимол ва Узоқ Шарқ районларига юк элтиб бериш яхшилансин, транспорт хизматларини экспорт қилиш ҳажми ва самарадорлиги оширилсин. Денгиз транспортининг юк оборотини тахминан 1,3 баравар ошириш таъминлансин.

Асосан, аввало Восточний, Нагаево, Новороссийск, Туапсе, Ильичевск ва Архангельск портларида жами узунлиги 5,3 километр келадиган причаллари бўлган ихтисослаштирилган юк ортиш-тушириш комплексларини қуриш ҳисобига денгиз портларининг қуввати оширилсин. Қора денгиздаги Григорьев лиманида янги порт қурилиши давом эттирилсин. Денгиз транспортидаги юк ортиш-тушириш ишларини комплекс механизациялаш даражаси 92 процентга етказилсин.

Флот жами тоннажи тахминан 5 миллион тонна дедвейт келадиган серунум қуруқ юк ташийдиган, ёнилғи тўлдириладиган ва аралаш юк ташийдиган кемалар билан тўлдирилсин. Ихтисослаштирилган қуруқ юк ташувчи флот — лесовозлар, контейнеровозлар, лихтеровозлар, трейлеровозларнинг, уйиб ортиладиган юкларни ташийдиган кемалар ва бошқа кемаларнинг салмоғи оширилсин. Шимолий денгиз йўлида ва музлайдиган портларда қатнов муддатини узайтириш чоралари кўрилсин. Денгиз флоти кучли музёрар кемалар билан тўлдирилсин. Айниқса Узоқ Шарқ ва Қора денгиз ҳавзалари районларида кема ремонт базасини ривожлантириш ишлари давом эттирилсин.

**Дарё транспорти** аввало Сибирь, Узоқ Шарқ ва Узоқ Шимолда янада ривожлантирилсин. Дарё транспортининг юк оборотини тахминан 22 процент кўпайтириш таъминлансин. Жами узунлиги 6 километрга яқин келадиган механизациялаштирилган причаллар ишга туширилсин, Осетров портини реконструкция қилиш тугаллансин. Маклак, Хабаровск, Комсомольск — Амур ва Печора портларининг юк ўтказиш қобилияти оширилсин. Нижневартовскда порт қурилсин. Беломор — Балтика каналини реконструкция қилишга киришилсин.

Дарё транспорт флоти кўп юк ташийдиган составлар, шатакчи-тортувчи кемалар, кўп юк кўтарувчи юк теплоходлари, шу жумладан дарёда ҳам, денгизда ҳам қатнай берадиган кемалар, кичик дарёларда юк ташийдиган оз тоннажли кемалар, шунингдек пассажир кемаларининг анча мукаммал типлари билан тўлдирилсин.

Ички сув йўлларидаги қатнов муддатини узайтириш чоралари кўрилсин. Дарё флоти музёрар кемалар билан тўлдирилсин. Дарё транспортидаги юк ортиш-тушириш ишларини комплекс механизациялаш асосан тугаллансин.

**Трубопровод транспортини** янада ривожлантириш кўзда тутилсин. Беш йиллик мобайнида тахминан 15 минг километр нефть оқизиладиган қувур ва камида 3,5 минг километр нефть маҳсулотлари оқизиладиган қувур қуриб битказилиб, ишга туширлсин. Асосий магистрал қувур йўлларида технология жараёнларини бошқаришнинг автомат системаларини барпо этиш ва жорий қилиш таъминлансин.

**Автомобиль транспортининг** юк обороти тахминан 42 процент кўпайтирилсин. Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортини устун равишда ривожлантириш кўзда тутилсин, унинг юк оборотини 45 процент ва автобус транспортининг пассажир оборотини 28 процент ошириш таъминлансин.

Автотранспорт воситаларини йирик автомобиль хўжаликларида янада марказлаштириш иши давом эттирилсин. Юкларни умумий фойдаланишдаги транспорт ёрдамида марказлаштирилган усулда ташиш кенгайтирилсин. Юк автомобилларининг сутка давомида ишлаш вақти кўпайтирилсин.

Халқаро автомобиль йўлларида юк ташишни янада ривожлантириш кўзда тутилсин.

Умумдавлат ва республика аҳамиятига эга бўлган магистрал автомобиль йўллари тармоғини устун равишда ривожлантириш ва айни вақтда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган, биринчи галда қишлоқ хўжалик районларидаги автомобиль йўллари тармоғини кенгайтириш таъминлансин.

Беш йиллик мобайнида қаттиқ қопламали 62—65 минг километр автомобиль йўли, шу жумладан умумдавлат ва республика аҳамиятига эга бўлган тахминан 15 минг километр йўл қурилсин ва реконструкция қилинсин. Автомобиль йўлларини қуриш ва ремонт қилиш сифати ва шу йўлларнинг сақланиши яхшилансин.

**Ҳаво транспортида** айниқса олис масофага ва бориш қийин бўлган районларга юк ташишни янада кўпайтириш таъминлансин. Ҳаво транспортининг пассажир обороти 1,3 баравар оширилсин.

«ИЛ-86» (аэробус), «ЯК-42» маркали янги пассажир самолётларини, «ИЛ-76» типидаги юк самолётларини ва қишлоқ хўжалик авиациясининг янги самолётларини ишлатиш бошлансин. Учиш-техникавий ва иқтисодий кўрсаткичлари граждан авиациясини ривожлантиришнинг перспектив талабларига мос келадиган янги самолётларни яратиш соҳасида экспериментал ва илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш таъминлансин.

Граждан авиациясининг ишлаб турган аэропортлари ва аэровокзалларини, ремонт заводлари ва авиация-техника базаларини реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш, маҳаллий ҳаво йўлларини ривожлантириш ва таъминлаш, шунингдек аэропортларни, юк ташиш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш ҳамда самолётларга хизмат қилиш воситалари билан жиҳозлаш давом эттирилсин. Навигация ва радио техника асбоб-ускуналарининг осмондаги ҳаракатни самолётларнинг парвози ва қўнишини бошқариш жараёнларини автоматлаштирадиган бортовой ва ердаги системаларини анча кенг миқёсда жорий этиш кўзда тутилсин.

**Алоқа** ҳамма турларининг хизмат сифати оширилсин ва кенгайтирилсин. Мамлакатнинг ягона автоматлаштирилган алоқа тармоғини вужудга келтириш иши давом эттирилсин. Шаҳарлараро телефон каналлари 1,6 баравар узайтирилсин, шаҳарлараро телефон алоқасини автоматлаштириш даражаси анча оширилсин. Маълумотлар юборишнинг умумдавлат системасини ташкил этиш иши кучайтирилсин. Шаҳарлардаги ва қишлоқ жойлардаги телефонлар миқдори 1,4 баравар кўпайтирилсин. Марказий газеталарни аҳолига етказиш тезлаштирилсин, фототелеграф усулида юборилган газета саҳифаларини қабул қилиш пунктлари 2 баравар кўпайтирилсин. Почта корхоналаридаги ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш ишлари кенгайтирилсин.

Алоқанинг ҳамма турлари билан аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти оширилсин.

Телевидение ва радиоэшиттиришни янада ривожлантириш таъминлансин, рангли телевидениени жорий этиш тезлаштирилсин. Биринчи галда Ғарбий ва Шарқий Сибирь районларини телевизион кўрсатув билан таъминлаш учун ва мамлакатнинг олис районлари билан телефон-телеграф алоқаси учун ернинг сунъий йўлдошларидан янада кенгроқ фойдаланиш кўзда тутилсин.

## VI. Капитал қурилиш

Капитал қурилишда капитал маблағлар самарадорлигини ошириш, асосий фондларни янада кўпайтиришни ва сифат жиҳатидан такомиллаштиришни, қурилиш ишларини планлаштириш, лойиҳалаш ва ташкил этишни яхшилаш, қурилиш муддатини қисқартириш ва таннархини камайтириш ҳисобига халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида янги ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ишга тушириш ва ўзлаштиришни таъминлаш асосий вазифадир.

Беш йиллик мобайнида халқ хўжалигига капитал маблағ сарфлаш 24—26 процент кўпайтирилсин.

Капитал маблағларни аввало фан-техника тараққиётини тезлаштиришни таъминлайдиган объектлар қурилишига ҳамда ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга сарфлансин. Капитал маблағларнинг умумий ҳажмида асбоб-ускуналарга қилинадиган харажат салмоғи оширилсин.

Капитал маблағларни, моддий ва меҳнат ресурсларини концентрациялаш, қурилиш ишлаб чиқаришини индустриялаш савиясини ошириш ва ташкил этишни такомиллаштириш йўли билан корхоналар ва объектларни қуриш муддатларини анча қисқартириш таъминлансин. Қурилишдаги ишларни бошлаб қўйишнинг белгиланган нормативларига ва тугалланмаган қурилиш нормативларига қатъий риоя этилсин.

Лойиҳа-смета иши яхшилансин, лойиҳа ечимларининг юксак техникавий ва иқтисодий савияси учун лойиҳалаш-конструкторлик ва илмий ташкилотларнинг масъулияти оширилсин. Лойиҳалар ва сметаларни ишлаб чиқиш ва экспертиза қилиш сифати яхшилансин, муддатлари қисқартирилсин. Лойиҳа ишларини планлаштириш такомиллаштирилсин. Лойиҳа ташкилотларининг моддий-техника базаси мустаҳкамлансин. Қурилишлар ва объектларни зарур лойиҳа-смета ҳужжатлари билан ўз вақтида таъминлаш чоралари кўрилсин.

Айниқса қишлоқ жойлардаги аҳоли пунктларини, шаҳарлардаги уй-жой районлари ва жамоат марказларини бунёд этишда қурилишнинг сифати ҳамда архитектуравий ва планлаштириш ечимларининг тежамлиги, шунингдек ободонлаштириш даражаси оширилсин. Аҳоли пунктларини, ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа объектларни қуришда ердан тежамли фойдаланилсин.

Қурилишларни қурилиш ва монтаж ташкилотларининг заказларига биноан, уларнинг лойиҳа ва сметаларда белгиланган эҳтиёжига мувофиқ умумдавлат моддий техника таъминоти орқали материал ресурслари билан таъминлаш практикаси кенгайтирилсин. Машинасозлик министрликлари ҳамда корхоналарининг ўзлари ишлаб чиқарадиган асбоб-ускуналарни комплект етказиб бериш, монтаж қилиш ва ўзлаштиришни таъминлашдаги роли ва масъулияти оширилсин.

Корхоналарни лойиҳалаш ва қуриш уй-жой бинолари, мактабгача тарбия муассасалари, маданий-маиший, соғлиқни сақлаш, маориф, савдо ва коммунал хўжалик объектлари билан комплекс равишда амалга оширилсин.

Қурилишни индустриялаш савияси ҳамда қурилиш конструкциялари ва деталларини заводда тайёрланиш даражаси оширилсин. Иморатлар ва иншоотларни катта ҳажмли ва бошқа прогрессив конструкциялардан батамом йиғма усулда қуриш ва монтаж қилиш практикаси кенгайтирилсин.

Қурилишда материаллар ва буюмларнинг янги турлари, ғоят пишиқ ва енгил бетонлардан ясалган самарали темирбетон конструкциялари, металл прокатининг тежамли профиллари, алюминли қотишмалардан тайёрланган буюмлар ва елимланган ёғоч конструкциялар кенг қўлланилсин.

Уйсозлик ва қишлоқ қурилиш комбинатларини, енгил қурилиш конструкциялари ва буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни янада ривожлантириш кўзда тутилсин.

Аввало кучли серунум қурилиш машиналари ва автотранспорт билан таъминлаш орқали қурилиш ташкилотларини техника билан қайта қуроллантириш давом эттирилсин, ишчиларни механизациялаштирилган асбоб-ускуналар ва кичик механизация воситалари билан қуроллантириш оширилсин, қурилишдаги ишларнинг асосий турларини, айниқса пардозлаш ишларини механизациялаш даражаси анча кўтарилсин.

Қурилиш ишларини олиб боришнинг пудрат усули ривожлантирилсин ва такомиллаштирилсин. Қурилишдаги хўжалик ҳисобининг янги формаси — бригада пудрати кенг жорий қилинсин. Катта ҳажмдаги қурилиш олиб борилаётган районларда доимий ишлайдиган пудратчи қурилиш монтаж ташкилотлари, зарур ҳолларда эса мамлакатнинг янги ўзлаштирилаётган районларида, айниқса шимолий районларда ҳаракатчан қурилиш ташкилотлари ўз вақтида тузилсин. Йил давомида ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлар бир маромда ишга туширилишига эришилсин.

Қурилишдаги меҳнат унумдорлиги 29—32 процент оширилсин.

## VII. Фанни ривожлантириш

Совет фанининг асосий вазифаси табиат ва жамият қонуниятларини тадқиқ этишни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан, унинг коммунизм моддий-техника базасини қуришнинг актуал проблемаларини ҳал этишга қўшаётган ҳиссасини оширишдан, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан, халқ фаровонлиги ва маданиятини юксалтиришдан, меҳнаткашларнинг коммунистик дунёқарашини шакллантиришдан иборат.

Ижтимоий, табиий ва техникавий фанлар соҳасидаги фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларнинг янада ривожланиши таъминлансин.

Олимларнинг бутун диққат-эътибори фан-техника ва социал тараққиётнинг энг муҳим проблемаларига жалб этилсин, экономика, маданият, фан ва фаннинг ўзининг ҳам муваффақиятли ривожланиши шу проблемаларнинг ҳал этилишига энг кўп даражада боғлиқ бўлади. Мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, келажак техникаси ва технологиясини вужудга келтиришнинг принципиал жиҳатдан янги йўллари ва имкониятларини очиб берадиган тадқиқотларни янада ривожлантириш кўзда тутилсин.

Илмий тадқиқотларнинг самарадорлиги ва сифати оширилсин. Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқа формаларини янада такомиллаштириш таъминлансин. Илмий муваффақиятларни халқ хўжалигига жорий этиш тезлаштирилсин.

Илмий ходимлар меҳнатини ташкил этиш такомиллаштирилсин ва самарадорлиги оширилсин. Тадқиқотларнинг савияси ва сифати, тақдим этиладиган тавсияларнинг асослилиги учун илмий коллективларнинг ва улардаги раҳбарларнинг масъулияти оширилсин, илмий муассасалар коллективлари ва ходимларининг ўз фаолияти самарадорлигини оширишга бўлган манфаатдорлиги кучайтирилсин.

Илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларини бошқариш системаси, илмий-тадқиқотларни планлаштириш ва пул билан таъминлаш яхшилансин.

Илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказиш такомиллаштирилсин. Илмий, лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилоларини приборлар, асбоб-ускуналар, материаллар билан, ҳисоблаш техникаси ва ташкилий техника воситалари билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек илмий экспериментал бўлинмаларни ривожлантириш йўли билан шу ташкилотларнинг моддий базаси мустаҳкамлансин. Илмий ахборот соҳасидаги ишлар такомиллаштирилсин.

Ижтимоий, табиий ва техникавий фанларнинг ўзаро алоқаси кучайтирилсин.

Илмий тадқиқотларни ривожлантиришнинг қуйидаги энг муҳим йўналишлари белгилансин.

Ижтимоий фанлар соҳасида:

КПССнинг жаҳоншумул-тарихий тажрибасини илмий жиҳатдан умумлаштириш соҳасидаги ишлар давом эттирилсин;

ривожланган социализмнинг назарий проблемалари, унинг ўсиб, коммунизмга ўтиш қонуниятлари, уларнинг ҳаракат қилиш ва улардан фойдаланиш механизми тадқиқ этилсин;

коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, янги инсонни камол топтириш, социалистик турмуш тарзини ривожлантириш назарияларини ишлаб чиқиш давом эттирилсин;

фан-техника революцияси, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ва интенсивлигини ошириш, халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш ва планлаштириш шунингдек социал-иқтисодий жараёнларни прогноз қилиш проблемалари соҳасидаги тадқиқотлар ҳар тарафлама ривожлантирилсин;

(Давоми олтинчи бетда).

